

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШИЧЕНКО ОЛГА АЛЕКСАНДРОВНА

**НОСПЕЦИФИК ИНТЕРСТИЦИАЛ ЗОТИЛЖАМНИНГ КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК ПРЕДИКТОРЛАРИ ВА УЛАРНИ КАСАЛЛИКНИНГ
РИВОЖЛАНИШИДАГИ РОЛИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Шиченко Ольга Александровна

Носпецифик интерстициал зотилжамнинг

клиник-иммунологик предикторлари ва уларни

касалликнинг ривожланишидаги роли..... 3

Шиченко Ольга Александровна

Клинико-иммунологические предикторы

и их роль в прогрессировании

неспецифической интерстициальной пневмонии..... 27

Shichenko Olga Alexandrovna

Clinical and immunological predictors

and their role in the progression

of nonspecific interstitial pneumonia..... 51

Еълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШИЧЕНКО ОЛГА АЛЕКСАНДРОВНА

**НОСПЕЦИФИК ИНТЕРСТИЦИАЛ ЗОТИЛЖАМНИНГ КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК ПРЕДИКТОРЛАРИ ВА УЛАРНИ КАСАЛЛИКНИНГ
РИВОЖЛАНИШИДАГИ РОЛИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib1325 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодикүлова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ташкенбаева Элеонора Негматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рахимова Дилором Алимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025-йил «_____» _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази, Тел./факс: +99866-233-58-92, +99866-233-79-03; e-mail: shodikulovagulandom@gmail.com).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: +99866-233-30-34.

Диссертация автореферати 2025-йил «_____» _____ кунини тарқатилди.

(2025-йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Т. Раббимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Замонавий жаҳон илмий ҳамжамиятида, жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам интерстициал ўпка касалликларининг тарқалиши муаммосига қизиқиш ортиб бормоқда. Интерстициал ўпка касалликларида (ИЎК) ногиронлик ва ўлим кўрсаткичининг кўпайиши ҳамда ҳаёт сифатининг пасайиши, беморларга ихтисослаштирилган махсус ташкилий чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурлигини белгилайди. Носпецифик интерстициал пневмония (НСИП) - интерстициал ўпка касалликларининг (ИЎК) идиопатик ўпка фиброзидан (ИЎФ) кейинги иккинчи ўринда турадиган морфологик ва патологоанатомик шакли бўлиб, идиопатик интерстициал пневмониянинг (ИИП) 14-35% ҳолатларида ва одатда 40-50 ёшдаги чекмайдиган шахсларда учрайди...»¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра: «...Ўзбекистонда 2023-йилда вафот этганларнинг умумий сони 172,8 минг кишини ташкил этиб, нафас олиш аъзолари касалликлари барча юкумли бўлмаган касалликлар орасида ўлим кўрсаткичи бўйича барқарор равишда етакчи 3 ўринни эгаллайди ва 6,5% ни ташкил этади. ЎИК улуши барча ўпка касалликларининг 10-15% ни ташкил этади ва у авж олиш тенденциясига эга...»². Ҳозирги вақтда ЎИК билан оғриган беморларни даволаш-диагностика жараёнини тўлақонли амалга ошириш мақсадида қиёсий ташхислашнинг мураккаблиги, даволашнинг давомийлиги ва оғирлиги туфайли, ташхислаш, даволашнинг энг мақбул усулини танлаш, дори воситаларини қўллашнинг мақбул муддатларини аниқлаш пульмонология амалиётида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда интерстициал пневмония ривожланишида иммунологик биомаркерлар, касаллик ривожланиши ва авж олиши хавфини кўрсатувчи оксиллар, иммунопатогенетик механизмларнинг аҳамиятини ўрганишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунинг учун носпецифик интерстициал пневмония ва ЎИК га ўз вақтида ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика қилишнинг оптимал усуллари ишлаб чиқиш, НСИП фенотипларини қиёсий ташхислашда муҳим аҳамиятга эга бўлган зардоб сурфактант протеини А (SP-A) интерстициал яллиғланиш биомаркерининг ва зардоб сурфактант протеини D (SP-D) интерстициал фиброз маркерининг ҳолатини баҳолаш орқали ташхислаш ва башоратлаш учун қўллашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян натижаларга

¹ Аверьянов А.В. Трудные для диагностики редкие диффузные заболевания легких : монография / А.В. Аверьянов, Е.А. Коган, В.Н. Лесняк, И.Э. Степанян, О.В. Данилевская, О.В. Пикин; перевод с англ. под ред. А.В. Аверьянова. — М.: Практическая медицина, 2022. — 444 с.

² World Health Organization (acting as the host organization for the Partnership for Maternal, Newborn & Health) 2021 (66) VOZ.

эришилмоқда. Жумладан, ўпканинг интерстициал касалликларини ўз вақтида ташхислаш, асоратлари ва авж олишини камайтириш, ривожланишини башорат қилиш, касалликларни даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш йўналишида ишлар олиб борилмоқда. Аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва тиббиёт сифати ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича муҳим вазифалар қўйилган, яъни: «...мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг самарадорлиги, сифати ва ҳажмини ошириш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, патронаж хизматини ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг самарали профилактикаси ва диагностикаси...»³. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, сурункали интерстициал яллиғланиш шароитида носпецифик интерстициал пневмониянинг клиник кўринишларини ўрганиш ва периферик қон плазмасида зардоб сурфактант оқсиллари SP-A ва SP-D даражасидаги ўзгаришларнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш, шунингдек, клиник, лаборатор, рентгенологик кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқликларни мултидисциплинар консенсус билан биргаликда ўтказиш орқали даволаш тактикасини танлаш ва касаллик кечишини башорат қилиш алгоритминини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди ва касаллик терапиясига индивидуал ёндашувни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси. Замонавий илмий ҳамжамият патологияни ташхислаш, касалликнинг кечиши ва асоратлар ривожланиш хавфини башорат қилиш имконини берувчи касалликнинг биомаркерларини изламоқда. Яқинда касаллик прогнози билан боғлиқ предикторлар аниқланди ва уларнинг клиник аҳамиятини янада чуқурроқ ўрганиш зарур. Жаҳонда олиб борилаётган кўплаб илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, сурфактант оқсиллар тизими ва уларнинг НСИП ривожланиш патогенезидаги ролини

³ Стратегия развития «Узбекистан – 2030» / Указ Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 г. № УП-158.

Ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади, бу нафақат патогенез ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш, балки ташхис қўйиш ва даволашнинг янги усулларини асослаш ва амалий тиббиётга жорий этиш имконини беради. Қон плазмасида сурфактант оқсиллар даражасининг ошиши ўпканинг сурункали интерстициал яллиғланишида алвеоляр-капилляр тўсиқ бузилишининг етакчи ўзига хос предикторларидан бири (SP-A нинг ошиши) ва НСИПни сурункали фиброзланувчи фенотипи шаклланишининг предиктори (SP-D нинг ошиши) ҳисобланади (Авдеев С.Н. 2020, Харламова О.С. 2020, Насонов Е.Л. ва бошқ. 2022). Сурфактант оқсилларининг етакчи диагностик роли НСИП терапиясини индивидуал рационал танлаш ва беморларни олиб бориш тактикасини белгилашда SP-A ва SP-D ни қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади (Николаев К.Ю. 2020, Пугач В.А. 2019, Овсянников Д.Ю ва бошқ., 2023). SP-A зардоб сурфактант оқсили респиратор аллергенлар ва патогенларга қарши иммун ҳимоянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўпкада SP-A синтезининг ёки қон зардобдаги асосий концентратцияларнинг ўзгариши интерстициал яллиғланишнинг кучайиши ёки ўлим кўрсаткичи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ўпкада SP-D сурфактант оқсили нафас олинаётган микроорганизмлар ва органик антигенларга туғма жавоб беришда иштирок этади. SP-D бактерия ва вирусларни агрегация қилиш, лейкоцитлар функциясига таъсир қилиш ва аллергик жавобни рағбатлантириш орқали таъсир қилади, апоптотик хужайралар билан боғланади ва уларнинг фагоцитозини рағбатлантиради, пролиферацияни тўхтатади, яллиғланишни самарали камайтиради. Сурункали ўпка касаллигининг барча турлари ўпка тўқимасида патологик ўзгарган SP-D даражаси (фиброз ва эмфизема) билан тавсифланади.

Зардоб сурфактант оқсиллари даражасини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос дифференциал-диагностик тузатишнинг самарадорлиги зўрайиш ва асоратлар ривожланиш хавфини ўз вақтида тўхтатишга қаратилган бўлиб, асосан сурфактантлар миқдорининг ошиши билан боғлиқ, тавсия этилган референт қийматлардан ошиши II турдаги алвеоцитлар ва Кларк хужайралари томонидан оқсиллар синтезининг кўпайиши билан эмас, балки сурункали интерстициал яллиғланиш, яъни алвеоляр протеиноз фонида оксидловчи стресс натижасида ўпка тўқимасининг деструкцияси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Олинган маълумотларга асосланиб, ўпка яллиғланишини тузатишнинг энг самарали ёндашуви фенотипга қараб НСИП терапиясини танлашда кузатилиши мумкин деган хулосага келиш мумкин. (Luppi F 2022, Ferrara G 2022, Makino S 2021, Wang F 2021). Ўпкада яллиғланиш жараёнининг ривожланишини тузатиш учун ГКС қўлланилганда, таъсир, биринчи навбатда, интерстициал яллиғланиш фаоллигининг пасайиши билан намоён бўлади, цитостатиклар ва/ёки антифиброз препаратлар интерстициал фиброзни ингибирлайди. (Авдеев С.Н. 2021, Чикина С.Ю. 2021, Тюрин И.Е. 2021, Харламова О.С. 2020, Николаев К.Ю. 2020).

Ушбу биомаркерлардан НСИП диагностикасида фойдаланиш бўйича жаҳон маълумотлари чекланган. Яқин хорижда, хусусан, Россия Федерациясида ЎИФ ва саркоидозда сурфактант оқсилларнинг корреляцион

муносабатларини ўрнатиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Бекетов В.Д. 2018, Авдеев С.Н. 2019).

Ўзбекистон бўйича маълумотлар ягона бўлиб, бу борада А.М. Убайдуллаев (2017), Н.Р. Аралов (2018), Н.Н. Махматмурадова (2023) ларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир, аммо носпецифик интерстициал пневмонияни эрта ташхислашнинг айрим клиник-иммунологик жиҳатларини таҳлил қилиш, корреляцион боғлиқликларни ўрнатиш ва ЮАКТ ёрдамида ташхислашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иммунологик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланган ҳолда носпецифик интерстициал пневмониянинг турли кечиши билан оғриган беморларда юзага келадиган асоратларни олдини олиш, фибрознинг ривожланиш хавфини камайтириш, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 01980006703-сонли «Замонавий диагностика, даволаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш» (2020-2023) илмий-тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқот мақсади носпецифик интерстициал пневмониянинг ривожланишида клиник-иммунологик биомаркерларнинг аҳамиятини баҳолаш орқали касалликни ўз вақтида аниқлаш усулларини такомиллаштириш, касаллик кечишининг оғирлигини ва асоратлар ривожланиш хавфини олдиндан башорат қилишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

носпецифик интерстициал пневмония ривожланишида клиник-анамнестик предикторлар ролини баҳолаш;

носпецифик интерстициал пневмония ривожланишининг иммунологик биомаркерларини ўрганиш;

клиник-лаборатор, рентгенологик ва иммунологик кўрсаткичларни таққослаш ва носпецифик интерстициал пневмония ривожланишида уларнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш;

носпецифик интерстициал пневмонияни ўз вақтида ташхислаш, кечиши ва асоратлар ривожланиш хавфини башорат қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2024 йиллар давомида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасида стационар шароитда даволанган интерстициал пневмония билан касалланган 262 нафар, шулардан 190 нафари носпецифик интерстициал пневмония ва 72 нафари вирусли пневмония билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети умумий клиник, биокимёвий, иммунологик текшириш усуллари учун беморларнинг веноз қони ва зардоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий-клиник усуллар, шунингдек, сўровномалар, диагностик шкалалар, скрининг тестлар, функционал, лаборатор, специфик иммунологик (SP-A ва SP-D зардоб

сурфактант оксиллари), рентгенологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

носпецифик интерстициал пневмония ривожланиши ва кечишида SP-A и SP-D зардоб сурфактант оксилларининг роли асосланган ҳамда уларнинг клиник, рентгенологик ва лаборатор кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

носпецифик интерстициал пневмонияда сурфактант оксилларнинг тавсия этилган меъёрий кўрсаткичлардан юқори бўлиши интерстициал яллиғланишнинг авж олишида ва интерстициал фиброз ривожланишида прогностик аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

илк бор қон плазмасида сурфактант оксиллар миқдорининг ортиши носпецифик интерстициал пневмония ривожланишининг эрта прогностик маркери эканлиги ва прогнозлаш мезони сифатида қўлланилиши зарурлиги асосланган;

носпецифик интерстициал пневмония билан оғриган беморларда фенотипга қараб глюкокортикостероидлар, цитостатиклар ёки антифиброз препаратларни индивидуал танлаш оркали касалликни олиб бориш ҳамда прогнозлаш тактикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тавсия этган мултидисциплинар консенсус НСИП клиник ташхисининг олтин стандарти эканлиги исботланган;

носпецифик интерстициал пневмония ривожланишида юқори аниқликдаги компьютер томография маълумотларини баҳолаш эрта ташхислаш маркери эканлиги аниқланган;

НСИП билан оғриган беморларда SP-A ва SP-D концентрациялари яллиғланиш жараёни (интерстициал яллиғланиш) мавжудлигини ва ўпка фиброзининг ривожланиш ҳамда зўрайиш хавфини акс эттириши аниқланган;

НСИП билан оғриган беморларни фенотипга қараб даволашга дифференциал ёндашиш имконини берадиган алгоритм ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, ўтказилган тадқиқотнинг услубий тўғрилиги, етарли миқдордаги беморларнинг танланиши, замонавий усулларнинг қўлланилиши, носпецифик интерстициал пневмонияли беморларда эрта ташхис қўйиш ва прогноз қилишнинг ўзига хос чораларини таъминловчи клиник-лаборатор, инструментал, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларининг ўзаро тўлдирувчанлиги, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иммунологик ўзгаришлар билан боғлиқ носпецифик интерстициал пневмониянинг ривожланиш хавфи ва кечилишининг клиник хусусиятлари тўғрисидаги назарий билимлар даражасини кенгайтириш, иммунологик биомаркерларнинг (зардобдаги SP-A сурфактант

оқсиллари - интерстициал яллиғланишнинг ўзига хос маркери ва SP-D - интерстициал фибрознинг ўзига хос маркери) ролини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти носпецифик интерстициал пневмония билан оғриган беморлар қонида SP-A ва SP-D зардобдаги сурфактант оқсиллари НСИП билан оғриган беморларни фенотипига қараб даволашга дифференциал ёндашишни ишлаб чиқиш ва касаллик асоратларини олдини олиш, унинг кечишини башорат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Носпецифик интерстициал зотилжамнинг клиник-иммунологик предикторлари ва уларни касалликнинг ривожланишидаги роли бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 07 октябрь 26/43-сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: носпецифик интерстициал пневмония ривожланиши ва кечишида SP-A ва SP-D зардоб сурфактант оқсилларининг роли асосланган ҳамда уларнинг клиник, рентгенологик ва лаборатор кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлиги аниқланганлиги Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2025 йил 25 июндаги 11-сони билан тасдиқланган “Носпецифик интерстициал пневмония ривожланишида иммунологик предикторларнинг роли” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонасига 2025 йил 26 сентябрдаги 5274-7-107-ТВ/2025-сонли буйруғи билан, Республика иқтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти минтақавий филиали 2025 йил 20 сентябрдаги 123а-сонли буйруқ билан клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 07 октябрь 26/43-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Тавсия этилган мультидисциплинар консенсусни қўллаш носпецифик интерстициал пневмонияда клиник диагностикасининг олтин стандарти эканлиги яна бир марта исботланди, ҳамда касаллик ривожланишида юқори аниқликдаги компьютер томография маълумотларини баҳолаш эрта диагностик маркер эканлиги аниқланди. Иқтисодий самарадорлиги: беморларда касалликни эрта аниқлаш ва кўшимча текширишлар учун харажатларни камайтириш, бошқа қиммат диагностика муолажаларига бўлган эҳтиёжни камайтириш билан ифодаланади. Стационарда ётоқ кунини 2 кунга қисқариши хисобига битта бемор учун 440000 сўм иқтисод қилинган.

иккинчи илмий янгилик: носпецифик интерстициал пневмонияда сурфактант оқсилларнинг тавсия этилган меъёрий кўрсаткичлардан юқори бўлиши интерстициал яллиғланишнинг авж олишида ва интерстициал фиброз ривожланишида прогностик аҳамиятга эга эканлиги исботланганлиги Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2025 йил 25 июндаги 11-сони билан тасдиқланган “Носпецифик интерстициал пневмония ривожланишида иммунологик предикторларнинг роли” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар

соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонасига 2025 йил 26 сентябрдаги 5274-7-107-ТВ/2025-сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти минтақавий филиали 2025 йил 20 сентябрдаги 123а-сонли буйруқ билан клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 07 октябрь 26/43-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Носпецифик интерстициал пневмония (НСИП) ривожланиши ва кечишини башоратлашда SP-A ва SP-D сурфактант оксиллар кўрсаткичлари ошишининг прогностик роли ўрганилди. Иқтисодий самарадорлиги: кўшимча тадқиқотлар учун харажатларни ҳамда бошқа қиммат диагностика муолажаларига бўлган эҳтиёжни камайтириш билан ифодаланади ва пульмонология бўлимида ҳар бир беморнинг бир кунлик даволанишига давлат томонидан сарфланган маблағ 200 750 сўм тежалади.

учинчи илмий янгилик: илк бор қон плазмасида сурфактант оксиллар микдорининг ортиши носпецифик интерстициал пневмония ривожланишининг эрта прогностик маркери эканлиги ва прогнозлаш мезони сифатида қўлланилиши зарурлиги асосланганлиги Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2025 йил 25 июндаги 11-сони билан тасдиқланган “Носпецифик интерстициал пневмония ривожланишида иммунологик предикторларнинг роли” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонасига 2025 йил 26 сентябрдаги 5274-7-107-ТВ/2025-сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти минтақавий филиали 2025 йил 20 сентябрдаги 123а-сонли буйруқ билан клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 07 октябрь 26/43-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: НСИП билан оғриган беморларда касаллик ривожланишининг хавф омилларини стратификацияси, касалликнинг оғир кечишини ва асоратлар ривожланиши мумкинлигини ўз вақтида башорат қилиш имконини берган. Шунинг учун SP-A ва SP-D серологик кўрсаткичлари комплекс, динамик текширувга киритилиши тавсия этилган. Иқтисодий самарадорлиги: тавсия этилган текшириш усулни амалиётга жорий этилиши НСИП билан оғриган беморларда касалликларда қиммат муолажаларга бўлган эҳтиёжни камайтиради ва шулар ҳисобига давлат томонидан сарфланган маблағлар иқтисод қилинади.

тўртинчи илмий янгилик: носпецифик интерстициал пневмония билан оғриган беморларда фенотипга қараб касалликни олиб бориш ва прогнозлаш тактикаси такомиллаштирилганлиги Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2025 йил 25 июндаги 11-сони билан тасдиқланган “Носпецифик интерстициал пневмония билан оғриган беморларнинг клиник тавсифи” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонасига 2025 йил 26 сентябрдаги 5274-7-107-ТВ/2025-сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд

вилояти минтақавий филиали 2025 йил 20 сентябрдаги 123а-сонли буйруқ билан клиник амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 07 октябрь 26/43-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: НСИП билан оғриган беморларда касаллик ривожланиш хавфи аниқланди ва кечишини башорат қилиш мезонлари такомиллаштирилди. НСИП билан касалланган беморлар учун ишлаб чиқилган алгоритм фенотипга боғлиқ ҳолда беморларни даволашга дифференциал ёндашиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: Олинган натижаларнинг тиббиёт амалиётга жорий қилиниши носпецифик интерстициал пневмония билан касалланган беморларда асоратлар сонини 1,5 баробарга камайганлиги, ҳамда касалликнинг прогнозини яхшилашга, ҳаёт сифатини оширишга ёрдам беради ва шулар ҳисобига давлат томонидан сарфланган маблағлар иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий илмий нашрларда эълон этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, объекти ҳамда предмети тавсифланган, диссертация ишини Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **"Ўпканинг интерстициал пневмониси: муаммога янгича қараш"** (адабиётлар шарҳи) ўрганилаётган муаммо бўйича назарий жиҳатлар таҳлил қилинган ва тадқиқотлар тизимлаштирилган. Носпецифик интерстициал пневмонияни ўрганишнинг ҳозирги ҳолати батафсил тавсифланган. Алоҳида кичик бобларда этиопатогенетик жиҳатлар, қиёсий ташхислаш мезонлари, эрта клиник-иммунологик ва нур ташхислашнинг замонавий йўналишлари баён этилган, шунингдек, сурфактант оксил тизими биомаркерларининг носпецифик интерстициал пневмония кечишини башорат қилиш ва даволашга

дифференциал ёндашувни танлашнинг истикболли концепцияси сифатидаги роли тавсифланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **"Носпецифик интерстициал пневмония диагностикасида клиник ва лаборатор маълумотлари мониторинги ва услубияти"** деб номланиб, унда қўлланилган материаллар ва тадқиқот усуллари батафсил баён этилган: Беморларнинг умумий клиник текшируви анамнез йиғиш, шикоятларни ўрганиш, физикал текширув ўтказиш, визуал аналог шкалалар, сўровномалар ва клиник скрининг тестларидан фойдаланиш, қон плазмасини текшириш, яъни умумий лаборатор ва махсус иммунологик текширувларни ўз ичига олган.

Ўрта ва оғир даражадаги носпецифик интерстициал пневмония (НСИП) ташхиси қўйилган жами 190 нафар бемор текширувдан ўтказилди ва улар асосий гуруҳни ташкил этди. Таққослаш гуруҳини вирусли пневмония билан касалланган 72 нафар бемор ташкил этди, назорат гуруҳи эса 40 нафар амалда соғлом шахслардан иборат бўлди. Ташхис мултидисциплинар консилиум асосида, яъни пульмонолог, ревматолог, рентгенолог (тасвирий диагностика) ва зарурат туғилганда морфологнинг ҳамкорликдаги иши асосида қўйилади. Бу жараёнда интерстициал зарарланиш ривожланишининг барча мумкин бўлган сабаблари истисно қилинади. Хусусан, қуйидагилар инкор этилади: бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари (тизимли склеродермия, ревматоид артрит, тизимли васкулит), дори-дармонлар таъсири, касбий омиллар, гранулематоз интерстициал касалликлар (сил, саркоидоз) ва онкологик касалликлар.

Биринчи босқичда 2019-2024-йиллар давомида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасида стационар даволанган интерстициал пневмония (ИП) билан оғриган 262 нафар бемор текширилди. Беморлар икки гуруҳга ажратилди: I-гуруҳ (асосий) носпецифик интерстициал пневмония (НСИП) ва II-гуруҳ (таққослаш гуруҳи) вирусли пневмония (ВП). Улар мос равишда 190 ва 72 нафар беморни ташкил этди. Ҳар бир гуруҳ клиник кечишининг оғирлигига қараб яна икки кичик гуруҳга бўлинди: I-A ва I-B гуруҳлари 125 ва 65 нафар бемордан, II-A ва II-B гуруҳлари эса 33 ва 39 нафар бемордан иборат бўлди. Назорат гуруҳини жинси ва ёши бўйича мос келадиган 40 нафар амалий соғлом шахс ташкил этди. Касаллик кечишининг оғирлиги қуйидаги мезонлар мавжудлиги бўйича баҳоланди: нафас олиш тезлиги минутига >30 кўп; SpO₂<96% кам, систолик қон босими <90 мм сим. уст.; диастолик қон босими <60 мм сим. уст.; ЮАКТ бўйича ўпканинг шикастланиш даражаси; хушнинг бузилиши; анурия; лейкопения <4x10⁹/л; ёки лейкоцитоз >9x10⁹/л, гемоглобин <100 г/л; уремия даражаси (қон креатинини >115 мкмол/л, сийдик азоти >7,0 ммол/л), тана вазни индекси >30, юрак уриш тезлиги >80/дақ., ёш >65.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида умумий клиник текширувлар ўтказилди: шикоятларни тўплаш, анамнестик маълумотларни йиғиш, тана вазни индексини аниқлаш, визуал аналог шкалалар, сўровномалар ва клиник скрининг тестларидан фойдаланиш. Булар қуйидагиларни ўз ичига олди: йўталнинг ифодаланганлик даражасини баҳоловчи ВАШ-йўтал визуал аналог

шкаласи, mMRC - modified Medical Research Council Dyspnea Scale - модификацияланган тиббий тадқиқот кенгаши нафас қисилиши шкаласи, 6-MDT - 6 дақиқалик масофавий тест, CAT - test COPD баҳолаш тести, CURB-65- C (Confusion - онг чалкашлиги, Urea - қондаги мочевино, азот даражаси, Respiration Rate - нафас олиш тезлиги, Blood Pressure - қон босими ва 65 - беморнинг ёши 65 ёки ундан катта бўлиши), GOLD -2023 - Global Initiative for Chronic Obstructive Lung Disease, NEWS-2 National Early Warning Score. Бундан ташқари, барча беморларда қуйидаги лаборатор кўрсаткичлари баҳоланди: умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, биокимёвий қон таҳлили ва умумий балғам таҳлили.

Учинчи босқичда махсус иммунологик текширувлар ўтказилди: интерстициал яллиғланиш биомаркери бўлган SP-A зардоб сурфактант оксили даражасини аниқлаш учун DR 191139200P Human Surfactant Protein A (SP-A) ELISA тўплами қўлланилди. Интерстициал фиброз биомаркери бўлган SP-D зардоб сурфактант оксили даражасини аниқлаш учун эса DR 194059100 Human Surfactant Protein D (SP-D) ELISA тўплами ишлатилди.

Барча беморларга қуйидаги текширувлар ўтказилди: электрокардиография, пулсоксиметрия, қорин бўшлиғи аъзолари ва буйрақларнинг ултратовуш текшируви, кўкрак қафаси рентгенографияси; юқори аниқликдаги компьютер томографияси (ЮАКТ).


Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш, ҳисоб-китоблар ва натижаларни баҳолаш Windows XP операцион тизимли компьютерда «MS Excel» (Microsoft) дастурлар тўплами ёрдамида STATISTICA Advanced дастурида амалга оширилди. «STATISTICA 10.0» амалий дастурлар статистик пакети ёрдамида рақамли қийматлар вариацион статистика усуллари билан қайта ишланди.

Диссертациянинг **"Тадқиқот гуруҳларида ўпканинг интерстициал шикастланиши кечилишининг клиник-иммунологик хусусиятлари"** деб номланган учинчи боби шахсий тадқиқотлар натижаларига бағишланган бўлиб, 3 та кичик бобдан иборат бўлиб, уларда ўпканинг интерстициал шикастланиши билан кечувчи касалликлар таркибида НСИПнинг ўрни масалалари ёритилган, клиник-иммунологик кўрсаткичлар рентгенологик белгилар билан солиштирилган. Биринчи кичик бобда беморларнинг эпидемиологик тавсифи, ёш, гендер хусусиятлари, ўпканинг интерстициал шикастланиши шаклланишининг хавф омилларини аниқлаштириш қайд этилган бўлиб, кузатилган беморларнинг ҳаёт ва касаллик тарихи ўрганилган.

Ўпканинг интерстициал шикастланиши бўлган беморларнинг умумий сони 262 нафар эди. Умумий когортада эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ бўлиб, мос равишда 55,3% ва 44,7% ни ташкил этди. Эркаклар ва аёлларнинг ўртача ёши деярли бир хил бўлиб, мос равишда $57,8 \pm 13,6$ ва $58,9 \pm 10,9$ ёшни ташкил этди. Худди шундай ҳолат НСИП бўлган асосий гуруҳда ва ВП бўлган таққослаш гуруҳида ҳам кузатилди. Иккала гуруҳнинг ўрта оғирликдаги кичик гуруҳларида аёллар кўпчиликини ташкил этиб, мос равишда 72,1% ва 48,4% ни

ташқил этди. Оғир кечишли кичик гуруҳларда эса эркаклар устунлик қилди: асосий гуруҳда 39,4% ва таққослаш гуруҳида 56,1%.

Ўпканинг интерстициал зарарланиши бўлган беморларнинг умумий когортасида ўрта ва кекса ёшдаги беморлар устунлик қилиб, 78% ни ташқил этди. Ёш беморлар 15% ва қариялар 7% ни ташқил этди. Беморлар ЖССТ мезонларига кўра ёш гуруҳларига бўлинди. Гуруҳларда жинсий хусусиятлар аниқланди: ўрта ёш когортасида аёллар устунлик қилиб, эркаклар 28,3% ва аёллар 39,3% ни ташқил этди. Кекса кичик гуруҳда эса эркаклар 44,8% ва аёллар 46,2% ни ташқил этди. Ёш ва қариялар когортасида эркаклар устунлик қилиб, мос равишда 19,3% ва 7,6% ни ташқил этди (1-расм).



1-расм. Текишилган беморларнинг умумий гуруҳидаги беморларнинг ёш хусусиятлари

Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳининг клиник кўриниши ўзига хос эмас. НСИП да аксарият ҳолларда ўртача 6 ой давом этадиган ярим ўткир ёки сурункали хансираш 97,6% ва 98%, балғамсиз ёки кам балғамли йўтал 100,0% ҳолларда (n=190), кўпинча астеник аломатлар мос равишда 98,4% ва 96,9%, жумладан бош оғриғи 85,6% ва 78,5%, юрак тез уриши 35,2% ва 55,4%, кўкрак қафасида оғриқ 55,2% ва 69,2%, ҳазм бузилиши 27,7% ва 37,6% ва вазн йўқотиш мос равишда 24% ва 26,2%, бўғимлар шаклининг ўзгаришига олиб келмайдиган такрорланувчи бўғим оғриқлари кузатилади. Тана ҳароратининг кўтарилиши НСИП учун хос эмас, субфебрил ҳарорат мос равишда 52,8% ва 73,8% ҳолларда кузатилган. Носпецифик манзарага қарамай, аксарият аломатлар касалликнинг оғирлик даражаси билан боғлиқ эди.

Клиник манзарани ўрганишда биз ВП билан касалланган II гуруҳ беморларида ўзига хос белгиларни аниқламадик, аммо таққослаш гуруҳида касалликнинг бошланиши ўткир хусусиятга эга эди. Тез-тез нафас қисилиши, балғамли ёки кам балғамсиз йўтал (балғамсиз), ҳолсизлик, бўғим оғриқлари, юрак тез уриши, кўкрак қафасидаги оғриқлар, иситма, жисмоний зўриқишга чидамлилиқнинг пасайиши, чарчоқ, ҳазм бузилиши ва вазн йўқотиш кузатилди, булар ҳам касалликнинг оғирлик даражаси билан боғлиқ эди.

Нафас етишмовчилигининг тури ва даражаси респиратор шкалалар ёрдамида ҳам аниқланди: нафас қисилишининг ифодаланиш даражаси шкаласи (modified Medical Research Council - mMRC), дифференциал ташхис ўтказишда

бронхиал обструкция мавжудлигини тасдиқлаш учун баҳолаш тести - COPD Assessment Test (CAT). Жисмоний юкламаларга чидамлилиқ Америка торакал жамияти тавсияларига мувофиқ беморларда ўтказилган 6 дақиқалиқ юриш тести ёрдамида баҳоланди, кислород сатурацияси (пулсоксиметрия) ёрдамида аниқланди. ВАШ йўтал шкаласи, NEWS2 балли баҳолаш, шунингдек, CURB65 ва GOLD2023 дан фойдаланилди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Асосий гуруҳлар ва кичик гуруҳларда текширилган беморларда тест тадқиқотлари кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи (n=262)

Тадқиқот	I-A(n=125)	I-B(n=65)	II-A(n=33)	II-B(n=39)
mMRC/балл	1(1-2)-1,8±0,8	1 (1-3)2,6±1,2	1 (1-2)2,2±0,6	1(1-3)2,4±1,7
6-MDT/м	374,2±12,4	290,3±22,8	264,2±18,4	190,3±12,7
CAT/балл (0-40)	20,2±4,8	29,5±5,5	18,3±2,2	28,4±1,72
ДН(SpO ₂ %)	93,7±1,7	89,3±6,6	90,8±6,3	84,4±8,5
ВАШ йўтал/балл (0-100)	29(11-47)	37(18-56)	19(7-31)	28(9-47)
NEWS2/балл	3,2±1,2	6,5±0,8	4,4±0,7	7,5±1,4
CURB65/балл	1,5±0,8	2,5±0,4	1,8±0,3	2,7±0,6
GOLD2023 (ОФВ ₁ %)	95,2(83,6-106,7)	83,9(73,3-94,6)	84,3(77,8-0,7)	78,9(63,8-93,9)

Изоҳ: * $p < 0,001$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; ** $p < 0,01$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; *** $p < 0,05$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция. нормал тақсимот билан тавсифланган намуналар учун ўртача қиймат ва стандарт огиш қиймати ($M \pm \sigma$). кўрсатилган.

mMRC шкаласи бўйича баҳоланган нафас қисилишининг оғирлик даражаси, касалликнинг оғир кечиши кузатилган кичик гуруҳларда мос равишда 1,8±0,8 ва 2,6±1,2, 2,2±0,6 ва 2,4±1,7 кўрсаткичлари билан сезиларли даражада юқори бўлди. Балларда ифодаланган ҳансираш кўрсаткичлари иккала гуруҳ беморларида назорат гуруҳига нисбатан ишончли равишда юқори эди. 6-МДТ ва САТ усулида баҳоланган жисмоний юкламага чидамлилиқ ҳам оғир кечадиган кичик гуруҳларда энг паст даражада бўлди. Иккала гуруҳда ҳам SpO₂ нинг пасайиши кузатилди, айниқса оғир кечишида яққол намоён бўлди. Метрда ифодаланган босиб ўтилган масофа кўрсаткичлари иккала гуруҳ беморларида назорат гуруҳига нисбатан ишончли тарзда паст бўлди. Нафас олиш функциясининг йўқолиш даражасини объектив баҳолаш учун ОФВ₁ аниқланди, бу оғир кечувчи кичик гуруҳларда сезиларли даражада паст эди. Йўталнинг ВАШ бали II гуруҳда юқори бўлиб, оғир кечганда янада ошди.

НСИП учун ярим ўткир ёки зўрайиб борувчи характердаги сурункали ҳансираш, ҳолсизлик ва куруқ ёки кам самарали йўтал хосдир. Асосий гуруҳда сурфактант оксилларнинг юқори кўрсаткичлари касаллик оғирлик даражаси билан боғлиқ бўлган ҳолда, таққослаш гуруҳида сурфактантларнинг кўрсаткичлари пастроқ эди. (2-жадвал)

2-жадвал

Асосий гуруҳлар ва кичик гуруҳларда текширилган беморларда нафас қисилиши, ҳолсизлик ва йўталнинг сурфактант оксиллар даражаси билан боғлиқлиги

	I-A(n=125)	I-B(n=65)	II-A(n=33)	II-B(n=39)	p1	p2
Ҳансираш	122(97,6%)	64(98,5%)	33(100%)	39(100%)	0,37	0,45
SP-A	35,1±12,6	35,5±11,6	31,8±12,8	34,3±11,1	0,28	0,70
SP-D	117,8±133,5	120,8±136,3	111,3±126,8	84,8±86,4	0,84	0,24
Астения	123(98,4%)	63(96,9%)	33(100%)	39(100%)	0,47	0,28
SP-A	35,7±12,1	35,1±11,6	31,8±12,8	34,3±11,1	0,21	0,79
SP-D	118,9±134,7	121,7±138,8	111,4±126,8	84,8±86,4	0,81	0,24
Йўтал	125(100%)	65(100%)	31(93,9%)	39(100%)	<0,01**	0,99
SP-A	35,1±12,6	35,5±11,4	31,8±12,8	34,3±11,1	0,29	0,69
SP-D	117,8±133,5	132,7±148,9	111,4±126,8	84,8±86,4	0,84	0,14
p1-IA-IIA; p2-IB-IV						

Изоҳ: * $p < 0,001$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; ** $p < 0,01$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; *** $p < 0,05$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция. нормал тақсимот билан тавсифланган намуналар учун ўртача қиймат ва стандарт оғиш қиймати ($M \pm \sigma$).

Тана ҳароратининг кўтарилиши НСИП учун хос эмас ва оғир кечишида (73,8%) ҳароратнинг мавжудлиги, эҳтимол, иккиламчи инфекция билан боғлиқ. Тахикардия иккала гуруҳ учун ҳам хос бўлиб, асосий гуруҳнинг кичик гуруҳларида сезиларли боғлиқлик аниқланди. Тахикардиянинг кучайиши касалликнинг оғир кечиши билан боғлиқ бўлиб, асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига нисбатан сурфактант оксилларнинг юқори кўрсаткичлари билан сезиларли даражада коррелятсия қилади (3-жадвал).

3-жадвал

Асосий гуруҳлар ва кичик гуруҳларда текширилган беморларда ҳарорат, тахикардия ва сурфактант оксиллар даражасининг ўзаро боғлиқлиги

	I-A(n=125)	I-B(n=65)	II-A(n=33)	II-B(n=39)	p1	p2
Тана ҳарорати	66(52,8%)	48(73,8%)	21(63,6%)	25(64,1%)	0,26	0,29
SP-A	35,1±12,4	37,1±9,2	33,2±12,9	33,9±11,6	0,64	0,37
SP-D	106,8±126,2	136,3±153,8	126,1±163,1	71,2±25,0	0,67	0,06
ЮКС>90	35(28,0%)	34(52,3%)	17(51,5%)	28(71,8%)	0,01**	0,05***
SP-A	34,4±14,4	35,9±10,2	32,1±12,3	33,9±11,5	0,66	0,60
SP-D	151,7±188,4	161,0±182,1	119,4±149,5	63,3±20,9	0,64	0,06
p1-IA-IIA; p2-IB-IV						

Изоҳ: * $p < 0,001$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; ** $p < 0,01$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; *** $p < 0,05$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция. нормал тақсимот билан тавсифланган намуналар учун ўртача қиймат ва стандарт оғиш қиймати ($M \pm \sigma$).

ТВИ қийматларини ҳисобга олган ҳолда ортиқча вазн ва семизлик ҳам касалликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи белги ҳисобланади.

Сурфактант оксилларнинг юқори кўрсаткичлари эса асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига нисбатан касалликнинг оғирлиги билан коррелятсия қилади (4-жадвал).

4-жадвал

Асосий гуруҳлар ва кичик гуруҳларда текширилган беморларда ТВИ кўрсаткичларининг сурфактант оксиллар даражаси билан корреляцияси

	I-A(n=125)	I-B(n=65)	II-A(n=33)	II-B(n=39)	p1	p2
ИМТ 25-30	78(62,3%)	37(56,9%)	15(45,5%)	22(56,4%)	0,07*	0,98
SP-A	35,7±13,6	32,3±12,9	29,6±14,8	37,8±8,9	0,21	0,14
SP-D	128,7±137,2	145,1±173,9	139,2±178,0	63,9±20,9	0,85	0,05***
ИМТ >30	18(14,4%)	14(21,5%)	12(36,4%)	8(20,5%)	0,004	0,90
SP-A	27,82±15,8	38,7±4,9	32,5±12,4	26,5±15,2	0,53	0,14
SP-D	132,9±189,9	133,1±127,5	84,4±44,5	69,4±32,5	0,53	0,28
p1-IA-IIA; p2-IB-IV						

Изоҳ: * $p < 0,001$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; ** $p < 0,01$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; *** $p < 0,05$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция. нормал тақсимот билан тавсифланган намуналар учун ўртача қиймат ва стандарт огиш қиймати ($M \pm \sigma$).

Тахипное ва сатурациянинг пасайиши ҳам салбий прогностик белгилар ҳисобланади, сурфактант оксилларининг қийматлари эса асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига нисбатан касалликнинг оғирлиги билан ишончли корреляция қилади (5-жадвал).

5-жадвал

Асосий гуруҳлар ва кичик гуруҳларда текширилган беморларда кислород сатуратсияси ва тахипноенинг сурфактант оксиллар даражаси билан корреляцияси

	I-A(n=125)	I-B(n=65)	II-A(n=33)	II-B(n=39)	p1	p2
SP2O	125(100%)	65(100%)	32(96,9%)	35(100%)	0,05*	0,99
SP-A	33,5±14,1	35,2±11,4	29,8±12,8	34,7±11,1	0,33	0,87
SP-D	117,8±133,5	132,7±148,9	111,9±129,2	84,8±86,4	0,49	0,13
НОС>20	125(100%)	65(100%)	33(100%)	35(100%)	0,99	0,99
SP-A	34,4±14,4	35,9±10,2	32,1±12,3	33,9±11,5	0,28	0,46
SP-D	151,7±188,4	161,0±182,1	119,4±149,5	63,3±20,9	0,82	0,11
p1-IA-IIA; p2-IB-IV						

Изоҳ: * $p < 0,001$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; ** $p < 0,01$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; *** $p < 0,05$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция. нормал тақсимот билан тавсифланган намуналар учун ўртача қиймат ва стандарт огиш қиймати ($M \pm \sigma$).

Шуни таъкидлаш жоизки, асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги сезиларли фарқлар нафас етишмовчилиги аломати бўйича кузатилди. Асосий гуруҳда нафас етишмовчилигининг иккинчи даражаси билан оғриган беморлар кўпроқ учраб, бу оғирлик даражаси ва сурфактант оксилларнинг юқори даражаси билан боғлиқ эди. Оғир нафас етишмовчилиги кўрсаткичлари таққослаш гуруҳида юқорироқ бўлди, бу ВП да жараённинг ўткирлигидан

далолат беради. НСИП да эса нафас етишмовчилиги ўткир ости ёки сурункали характерга эга эди (6-жадвал).

6-жадвал

Асосий гуруҳлар ва кичик гуруҳларда текширилган беморларда нафас етишмовчилиги оғирлигининг сурфактант оксиллар даражаси билан боғлиқлиги

	I-A(n=125)	I-B(n=65)	II-A(n=33)	II-B(n=39)	p1	p2
HE-1	18(14,4%)	4(6,2%)	10(30,3%)	4(10,3)	0,03	0,45
SP-A	38,8±7,1	NA	32,4±12,1	39,7±4,3	0,22	NA
SP-D	164,9±188,2	NA	80,6±23,2	59,2±16,7	0,37	NA
HE-2	45(36,0%)	40(61,5%)	15(45,5%)	16(41,0%)	0,32	0,04
SP-A	31,4±13,8	35,8±11,4	30,8±13,2	30,6±15,9	0,90	0,37
SP-D	68,9±17,2	137,9±140,6	146,7±177,9	59,8±21,9	0,14	0,02
HE-3	1(0,8%)	14(21,5%)	1(3,0%)	19(48,7%)	0,31	0,04
SP-A	NA	33,3±12,6	NA	35,4±7,7	NA	0,65
SP-D	NA	74,5±19,5	NA	108,3±115,4	NA	0,20
p1-IA-IIA; p2-IB-IV						


Изоҳ: * $p < 0,001$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; ** $p < 0,01$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция; *** $p < 0,05$ даражадаги статистик аҳамиятли корреляция. нормал тақсимот билан тавсифланган намуналар учун ўртача қиймат ва стандарт оғиш қиймати ($M \pm \sigma$).

Гемоглобиннинг паст даражаси кўрсаткичлари таққослаш гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда сурфактантларнинг, айниқса SP-D нинг юқори даражаси билан сезиларли даражада боғлиқ эди. Лейкоцитоз НСИП учун хос эмас, аммо НСИПнинг оғир кечишида нейтрофил лейкоцитоз SP-A нинг ошиши билан боғлиқ бўлиб, бу таққослаш гуруҳига нисбатан НСИПда кўпроқ ифодаланган интерстициал яллиғланишни кўрсатарди. ЭЧТ нинг ошиши носпецифик яллиғланишнинг белгиси бўлиб, юқори кўрсаткичлар асосий гуруҳда ҳам, таққослаш гуруҳида ҳам SP-A ва SP-D даражасининг ошиши билан сезиларли даражада боғлиқ эди.


Гиперхолестеринемия асосий гуруҳда ҳам, таққослаш гуруҳида ҳам сурфактант оксилларнинг юқори кўрсаткичлари билан боғлиқ, айниқса ўртача оғирликдаги ҳолатларда. Бу нафақат атероген липидларнинг кўпайишини, балки ўпканинг интерстициал шикастланишида эндотелиал яллиғланиш ва эндотелиал дисфункция билан биргаликда атеросклероз ривожланиш хавфини кўрсатади. Бу ҳолат НСИПда юрак-қон томир патологияси билан коморбидлик клиник жиҳатдан тасдиқланган. Гипергликемия кўрсаткичлари ва СРО қийматларининг ошиши таққослаш гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда сурфактант оксилларнинг юқори даражаси билан кўпроқ боғлиқ эди. Шу билан бирга, СРОнинг 5-6 баробар ошиши таққослаш гуруҳи учун хос бўлиб, НСИП гуруҳида эса кўрсаткичлар ўртача даражада ошган. Бу эса НСИПнинг ВПнинг ўткир кечишидан фарқли ўлароқ ўткир ости ва сурункали кечишини кўрсатарди.

Интерстициал пневмонияларда "хира ойна" феноменини қиёсий ташхислашда ЮАКТ ёрдамида тасвирий диагностика тавсия этилган олтин

стандарт ҳисобланади. Усулнинг асосий афзалликлари қуйидагилар: даволаш самарадорлиги ва фибрознинг ривожланишини баҳолашда юқори сезувчанликка эга; техник жиҳатдан мураккаб бўлган, юқори малакали мутахассисларнинг иштирокини талаб қиладиган ҳамда асоратлар ва ташхис хатоларига олиб келиши мумкин бўлган биопсиядан қочиш имконини беради; одатдаги КТдан фарқли ўлароқ, 0,5-1,5 мм юпқа кесимлар беради, оддий КТда эса кесимлар 5-10 мм ни ташкил этади (2-расм).



2-расм. Клиник ҳолат. ЮАКТ текшируви, бемор М., 1978-йилда тузилган, НСИП яллигланиш (ҳужайрали) фенотипи билан. Хира ойна феноменининг устунлиги, "асалари уяси" кўринишидаги ўпка феноменининг йўқлиги кузатилади. Сақланиб қолган ўпка тўқимасининг нозик симметрик субплеврал чизиқлари (субплеврал спаринг) мавжуд бўлиб, ундан кейин ретикуляр, яллигланишли ўзгаришлар ва траксион бронхоектазлар кузатилади.




3-расм. Текширилган беморлар гуруҳларида КТ белгиларининг тавсифи

ЮАКТ маълумотларига кўра, НСИП билан касалланган беморларнинг асосий гуруҳида таққослаш гуруҳига нисбатан ўзига хос фарқлар аниқланди. Хусусан, асосий белги сифатида "хира ойна" феномени 89% ҳолларда икки

томонлама, 11% ҳолларда бир томонлама кузатилди. Бу феномен барча соҳаларда симметрик ёки диффуз тарқалган бўлиши, ёки субплеврал сақланиш билан базал устунликни кўрсатиши мумкин, бу эса НСИП учун хос хусусият ҳисобланади. Альвеоляр консолидация (АК) 41,6%, фиброз ўзгаришлар (ФЎ) 50,5%, лимфоаденопатия (ЛАП) 11,1% ва ретикуляр ўзгаришлар (РЎ) 29,5% мавжудлиги, интерстициал яллиғланиш устун бўлган ВП таққослаш гуруҳидан фарқли ўлароқ, фиброз ўзгаришлар ривожланиши билан НСИП ташхисини тасдиқлайди. Бу КТ орқали тасдиқланади. Масалан, КТ4 асосий гуруҳда 8,9%, таққослаш гуруҳида эса 25% ни ташкил этди (3-расм).

